

SCIENCE AND EDUCATION

ISSN 2181-0842

VOLUME 4, ISSUE 2

FEBRUARY 2023

SCIENCE AND EDUCATION

SCIENTIFIC JOURNAL

ISSN 2181-0842

VOLUME 4, ISSUE 2

FEBRUARY 2023



www.openscience.uz

253.	Nigora Nematovna Rasulova <u>Innovatsion menejment - samaradorlikni oshirish tizimi sifatida</u>	1568
254.	Собир Худойбердиевич Махмудов, Дилшодбек Эгамбердиев Давлат хусусий тадбиркорлик шериклигини ривожлантириш орқали туристик объектлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш	1573
255.	Gulnoza Jamolova <u>O'zbekistonda soliq tizimidagi islohotlari</u>	1579
256.	Дилноза Бахтияровна Таджибекова Определение источников формирования финансовых ресурсов предприятия	1583
257.	Ж.А.Хамраев Прогнозирование и объективная оценка трудовых потенциалов	1588
258.	Шахноза Элшодовна Маннапова Кичик саноат зоналарида инвестицион самарадорликни оширишнинг синергетик модели аҳамияти	1599

LEGAL SCIENCES / YURIDIK FANLAR

259.	Iroda Tohir qizi Ashuroxunova <u>Role of legal customs in the system of sources of law</u>	1607
260.	Азамат Кидирили угли Наркулов Роль правоохранительных органов и общественных организаций в сфере обеспечения общественного порядка (на примере США)	1615
261.	Сайдакбар Мухаммадаминов Бухоро амирлигига тузилган ислом қонунчлигига оид тўпламлар ва уларнинг аҳамияти	1621

PHILOLOGY SCIENCES / FILOLOGIYA FANLARI

262.	Suhrob Rustamovich Abdusalimov <u>Ingliz tilida sifat so'z turkumining ishlatalishi</u>	1626
263.	Gulrabo Nurmat qizi Xusomiddinova <u>Adabiy nutq uslublari va ularning ona tilidagi o'rni</u>	1630
264.	Nigora Allanazarova <u>Language, cultural and linguculturalology</u>	1634
265.	Muhayyo Shavkatovna Azatova <u>Badiiy matnda realiyalar tarjimasining o'ziga xos xususiyatlari</u>	1638
266.	Sarvinoz Oybek qizi Eraliyeva, B.R.Mengliyev Lotin yozuvidagi harf shakllarida shaxs-gender xususiyatlarining aks etishi va uning lingvistik ekspertizasi	1642
267.	Matluba Isroil kizi Islomova <u>Realia as a specific component of non-equivalent vocabulary</u>	1646
268.	Shahlo Muzaffar qizi O'razboyeva <u>Fransuz tilida unli va undosh tovushlar talaffuzida bog'lanishlar hosil bo'lishi</u>	1650
269.	Ma'rifat Palvonovna Ismoilova <u>Diplomatik terminlarning ingliz va o'zbek tillaridagi o'ziga xos xususiyatlari</u>	1654
270.	Shohsanam Alisherjon qizi Jurayeva <u>Paralingvistik vositalarning verbal tasviri</u>	1657
271.	Nazokat Allanazar qizi Bekchanova Folklor matnining lingvokulturologik xususiyatlari (ingliz va o'zbek ertaklarining qiyosiy misolida)	1662
272.	Саодат Абдурахимовна Қодирова Мақол ва матал жанрининг шеъриятдаги ўрни ва аҳамияти	1667
273.	Sohiba Mallayevna Normurodova, Sayora Karimovna Yorova Nemis tili frazeologik birikmalari va tilning lug'at boyligi	1672

Мақол ва матал жанрининг шеъриятдаги ўрни ва аҳамияти

Саодат Абдурахимовна Қодирова
БухДУ

Аннотация: Мақол ва матал жанрининг ёзма шеърият бағрида учраб, маълум поэтик вазифа бажариши оддий фольклоризмнинг юзага келишига сабаб бўлади. Ёзма адабиёт деб таъкид қилишимизнинг асоси шуки, мақол ёки матал ёзма адабиёт таркибида учрасагина оддий фольклоризм саналади.

Калит сўзлар: асар, сюжет, мазмун, фикр, характер, қахрамон, мозий, диалог

The place and importance of proverb and matal genre in poetry

Saodat Abdurakhimovna Kadyrova
BukhSU

Abstract: The fact that proverbs and matal genres meet in written poetry and fulfill a certain poetic function is the reason for the emergence of simple folklorism. The basis of our emphasis on written literature is that simple folklorism is considered only if a proverb or proverb occurs in written literature.

Keywords: work(written work), plot(subject), content(meaning), idea, character(manner), hero, moral story, dialogue

Оддий фольклоризм шеърият бадииятида ўзига хос ўринга эга. Айниқса, Атоий, Саккокий, Гадоий, Лутфий, Алишер Навоий асарлари таркибида келтирилган мақолларнинг ҳар бири ўзига хос поэтик вазифа бажарганини таъкидлаш жоиз:

Бўлди бағрим сув ғамингдин “Яхшилик қил, сол су(в)фа”

Охир эй гул хирмани албатта, “ҳар эккан ўрап”.

Атоийнинг ушбу байти “ирсоли масалайн” (бир байтда икки мақол келтириш) санъатига асосланган бўлиб, биринчи байтда “Яхшилик қил сувга сол, балиқ билар, балиқ билмаса холиқ билар”, иккинчи байтида эса “Ҳар ким экканини ўради” мақоли келтирилган ва ушбу мақоллар шоирнинг поэтик мақсадига мос тушган.

Лутфийнинг ирсоли масал санъати асосида яратилган қуйидаги ғазалининг барча байтларида мақол ишлатилганини кўрамиз:

Аёқингға тушар ҳар лаҳза гесу,
Масалдурким: “Чароғ туби қоронғу”.
Тутармен қўзки, кўрсам оразингни,
Ки дерлар: “Оққан ариққа оқар су(в).
Юзунгни туттим ортуқ ою кундин,
“Кишининг қўзиdir, оре, тарозу”.
Кўзунг қонимдин ийманмас, ажабтур, -
Ки: “Қўрқар қайдаким қон кўрса ҳинду”.
Тилар васлингни Лутфий, қил ижобат,
Ки айтурлар : “Тилаганни тилагу”.

Ғазалнинг ҳар бир байтидаги иккинчи мисра олдинги мисрадаги фикр билан боғлиқ бўлган, уни таъкидлаш, тасдиқлашга хизмат қилувчи мақол келтирилган. Бу эса ғазалнинг бадиийлигини янада оширган.

Ҳазрат Навоий фольклордан энг кўп ва самарали фойдалана олган мохир адибдир. Бу ҳақда илк бор фикр юритган олимлардан бири Мақсуд Шайхзода “бу соҳада Навоий шу қадар усталик кўрсатганки, бирмунча мақолларнинг халқдан Навоийга ё Навоийдан халққа ўтганини аниқлаш ҳозирча қийин”, - дейди¹. Атоқли навоийшунос олим Н.Маллаев “Алишер Навоий халқ мақоллари, маталлари ва ибораларига катта эътибор берди, уларни айнан ёки шеърнинг поэтик талаби билан қайта ишлаб ўз асарларида қўллади ва шуларга монанд янги ҳикматли сўз ҳамда иборалар ижод этди. Буларни ўрганиш ва тадқиқ қилиш Навоий асарларининг ғоявий мазмунини ҳам, бадиий формасини ҳам ёритишда катта аҳамиятга эга”², - деганида ҳақ эди. Шоирнинг биргина ғазалиёти ҳам оддий фольклоризмга бой.

Етти жон оғзимгаким, чиқмас уйидинким ул хур,
Чиқмаган жондин умид - ушбу масалдур машҳур³.
Эй, кўнгул, ишқ ичра йўқ шоҳ-у гадоға имтиёз:
Ўт аро тенгдур қуруқ ё хўл ёғочнинг хирқати⁴.
Кўнгилни туз, тилисанг фойиз ўлса туз маъни,
Нединки эгри кўргузур кўзгу⁵.

А.Навоийнинг ушбу байтларида “Чиқмаган жондан умид”, “Ўт кетса ҳул-у қуруқ teng ёнади”, “Кўзгу борини кўрсатади” мақоллари қўлланган бўлиб, ғазалларнинг бадиийлигини таъминлаган.

¹Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2015. – Б. 24.

² Шу манба. – Б.34.

³Шу манба. – Б.34.

⁴Шу манба. – Б.34.

⁵Шу манба. – Б.34.

“Үт” радифли ғазалида:

Май батининг кўр нишот афзолигин ҳузн аҳлиға

Ким, куяр ўлу қуруғ чун найситонға тушти ўт⁶.

Бу байтда “Қамишзорга ўт кетса, ҳўлу қуруқ баробар ёнади” мақоли қўлланган. Шоир ҳажр шомида ғам сипоҳийлари лирик қаҳрамон қўнглига олов ёққанини айтиб, шеър сюжетида тугун ҳосил қиласди. Ечимда шоир “оҳи оташбори” ўт бўлиб булутга урганини, кўк тутунга ўхшаб қолганини таъкидлайди. Хўлу қуруқ баробар ёнсагина, кўкни тутун қоплади. Ғулув, ташбех каби санъатларнинг юзага келиши учун ҳам оддий фольклоризм аҳамият касб этган, демак, ғазал бадииятини оширган. Айни дамда, оддий фольклоризм мақтаъдан олдинги байт таркибида юзага келиб, ечимга пойдевор вазифасини ўтаган. Худди шу мақол “Тушти ўт” радифли ғазалида айнан шу шаклда келтирилади:

Ўқларинг кўнглимға тушқач, куйди ҳам кўз, ҳам бадан

Ким, куяр ўлу қуруғ чун найситонға тушти ўт⁷.

Икки ғазалда ҳам маъшуқа сабаб ошиқ ишқ оловида ёнгани айтилади, аммо бир хил мақолнинг қўлланиш мақсади турлича. Кейинги ғазалда кўк тутунга айлангани эмас, уфқ, бутун осмонга ўт тушгани тасвир этилади. Оддий фольклоризм эса ўзи мансуб байтнигина изоҳлаган. Ёр ўқлари кўнгилга тушганида кўз ҳам, бадан ҳам, демакки, хўлу қуруқ баробар ёнди. Таносиб санъати айнан оддий фольклоризм туфайли юзага келган. Маълумки, қамишзор сув ичида бўлади. Ўт кетганида кўзу (бу ўринда кўз - сув, киприклар - қамишзор, дейиш ҳам мумкин) бадан ёнгани найистонға ўт кетгани каби экани кўрсатилган. Айнан бир мақол вазн, қофия ва радиф сабаб икки ғазалда бир хил шаклда такрор келтирилган. Аммо оддий фольклоризм ғазал композициясида бир хил вазифани бажармагани, шоир мақсадининг икки хил жиҳатини оидинлаштиргани кўриниб турибди. Кўринадики, оддий фольклоризмнинг шеъриятда, айниқса, аruz вазnidаги шеъриятда келтирилиши моҳирлик талаб қиласди. Бу борада ҳазратнинг маҳоратлари ҳайратангиздир.

Ишқинг ўтинки, ёшурдим, эл аро ёйди рақиб,

Ким иситмани ниҳон тутса қилур марг аён⁸.

Навоий “Касалини яширсанг, иситмаси ошкор қиласди” халқ мақолини ўзлаштирасар экан, ижодий давом эттирган. Натижада, “Касалини яширсанг, иситма, иситмани яширсанг, ўлим ошкор қиласди” тарзидағи ифода ҳосил бўлган. Иситманинг меъёрдан жуда ошиб кетиши ўлимга олиб келиши мумкинлиги шоирга халқ мақолини янгича, кучайтирилган, тўлдирилган

⁶Алишер Навоий. Топмадим. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – Б. 96.

⁷Алишер Навоий. МАТ. Учинчи том. Фаройиб ус-сигар. – Тошкент: Фан, 1988. – Б. 89.

⁸Алишер Навоий. МАТ. Олтинчи том. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 370.

шаклда ифодалаш имконини берган. Шоир “Фавойид ул-кибар” девонидаги “Ишқ айнидин кўзумни қилмади ёруқ жаҳон” деб бошланувчи ғазалида “Ит ҳуар - карвон ўтар” мақолини қўллади:

Борибон аҳбобу мен ғафлат асири бўлмағим,

Уйладурким, ит уюб қолдию қўчти корвон⁹.

Алишер Навоий лирик қаҳрамонга итларнинг хуришига эътибор қилиб йўлдан қолса, кексаликда оҳу фифон чекишини уқтиради. Бу ерда гап итнинг хуриши ҳақида эмас, унинг ухлаб қолгани ҳақида бормоқда.

Муҳаммадшариф Гулханийнинг адабий-тариҳий хизматлари беқиёс. У ўзбек халқ мақолларининг ўзи яшаган даврдаги ҳолатини аниқ қайд қиласди. Бу қайдлар етук фольклоршунос олимнинг кузатув ва қайдларидан фарқ қилмайди. Муҳими, адаб ҳар бир мақолнинг “яшаш жойи” билан бирга кўрсатади: унинг қўлланиш манзили, вақти, мақсади ва вазифаларини ҳам кўп ҳолларда кўрсатиб ўтади. Агар Гулханийнинг Кўқон адабий муҳитида камол топгани, XVIII асрнинг сўнгги чораги ва XIX асрнинг биринчи ярмида яшагани тахмин қилинса, бошқа маълумотларнинг нихоятда озлигини эътроф этишга тўғри келади.

Шунга қарамай, у ўзбек адабиёти тарихида ўзидан сезиларли из - жиддий адабий мерос қолдирди. Мана шу мероснинг ўзи унинг адабиёт тарихи учун беназир ёдгорлик қолдирганини, бу ёдгорликнинг ўзбек насли тарихи учун, умумўзбек адабиётининг тарихий равнақи учун ҳам муҳим ва беназир манба эканини тасдиқлаб туради.

Гулханий ўзбек ва тоҷик тилларида ижод қилган, яъни у ҳар икки тилни ҳам мукаммал даражада билган. Унинг мазкур билими мақолларни тўплаш ва улардан фойдаланиш жараёнида ҳам ўзини кўрсатиб туради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кодирова С. А. Жанровые особенности "зарбулмасала" //современная наука: актуальные вопросы, достижения и инновации. – 2021. – С. 97-99.
2. Kodirova S. A. IDEOLOGICAL AND ARTISTIC FEATURES OF «ZARBULMASAL» //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 10. – С. 318-320.
3. Abdurakhimovna K. S. Idealistic Study of Proverbs //International Journal on Integrated Education. – Т. 3. – №. 11. – С. 201-202.
4. Kodirova S. A. Idealistic study of proverbs in “zarbulmasal” of gulkhani //Scientific reports of Bukhara State University. – 2021. – Т. 5. – №. 1. – С. 170-179.
5. Saodat K. ANCIENT PROVERBS //European Scholar Journal (ESJ) ISSN. – С. 2660-5562.

⁹Алишер Навоий. МАТ. Олтинчи том. Фавойид ул-кибар. – Тошкент: Фан, 1990. – Б. 334.

6. Abdurakhimovna K. S., Dilchiroy A. Ancient Proverbs //European Scholar Journal. – 2021. – Т. 2. – №. 4. – С. 95-99.
7. Қодирова С., Одилова М. ҚАДИМИЙ МАҚОЛЛАР ТАСНИФИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 6. – С. 1036-1040.
8. Abdurahimovna Q. S. "ZARBULMASAL"-MAQSADNI MAJOZ YOLI BILAN IFODALASHGA QARATILGAN HIKOYAT //БАРҚАРОРЛИК ВА ЕТАКЧИ ТАДҚИҚОТЛАР ОНЛАЙН ИЛМИЙ ЖУРНАЛИ. – 2022. – Т. 2. – №. 4. – С. 363-365.
9. Abdurakhimovna K. S. Poetics of Proverbs //EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 303-307.
10. Abdurakhimovna K. S. Main Subject way of" Zarbulmasal" //EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION. – 2022. – Т. 2. – №. 2. – С. 286-290. S_ ABDURAXIMOVNA, [02.02.2023 16:45]
11. Abduraximovna, Q. S. (2022). "ZARBULMASAL" ASARINING GOYAVIY VA BADIY AHAMIYATI. Scientific Impulse, 1(5), 706-711.
12. S_ ABDURAXIMOVNA, [02.02.2023 16:45] 13. BuxDU katta oqituvchisi, S. Q. (2022). "ZARBULMASAL"-NASRIY HIKOYACHILIK ASOSIGA QURILGAN BADIA. PEDAGOGS jurnali, 1(1), 455-457.
14. S_ ABDURAXIMOVNA, [02.02.2023 16:46] 15. Abduraximovna, Q. S., Muhabbat, O., & Sevara, F. (2022). "ZARBULMASAL" ASARIDAGI BOSH GOYA. THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH, 1(9), 76-79.
16. S_ ABDURAXIMOVNA, [02.02.2023 16:46] Qodirova, S. (2022). "ZARBULMASAL"-NASRIY HIKOYACHILIK ASOSIGA QURILGAN BADIA. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 24(24).